Ушбу сонда:
2 ТАДБИРКОРГА КРЕДИТ у кўзлаган мақсадга ишлатилаяптими?
3 9-май Хотира ва Қадрлаш куни ИЙМОН
4 СПОРТ - СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 26 апрел, чоршанба №59 (891)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОНА ТАБИАТ МАДҲИ

Нукусда ёш рассомларнинг «Соғлом авлод йили»га бағишланган расмлар кўргазмаси очилди. Мўйқалам билан сирлашишни астойдил ният қилган ёш иқтидор эгалари ўз расмларини томошабинлар ҳукмига ҳавола қилди. Аксарият асарларда беғубор болаликнинг бахтли онлари, она Ватан табиати, халқ қаҳрамонлари сиймолари, миллий кийимлар билан безанган қиз ва йигитлар ёрқин бўёқларда ўз ифодасини топган.

Кўргазмада фаол қатнашган ёш рассомлар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ишлари вазирлиги ва Рассомлар уюшмаси томонидан муносиб тақдирланди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлиснинг раиси Э.Халилов бошқарди.

Кенгаш иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясини 25 май куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлис иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров раҳбарлигида депутатлар ишчи гуруҳи тузилди.

Кенгаш мажлисида Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг 1999 йилги иши тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан институт директорининг ўринбосари М.Гасанов сўзга чиқди.

Мажлисда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов ва бошқалар 1999 йилда институт фаолияти сезиларли даражада жонланганлигини таъкидлаб ўтди. Институтнинг 1998 йилги иши тўғрисидаги ҳисобот юзасидан Кенгаш мажлисида кўрсатиб ўтилган кўпгина камчиликлар бартараф этилган. Институт ходимлари илмий-тадқиқот фаолиятини яхшилаш юзасидан муйаян ишларни амалга оширди, ҳуқуқнинг турли тармоқлари бўйича 20 дан зиёд илмий ишлар тайёрланди.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишидаги институт иштироки сезиларли даражада кучайди. Амалдаги қонун ҳужжатларининг қўллаш амалиёти ўрганиб борилди, уларга риоя этмаслик сабаблари аниқланди ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этишга оид таклифлар тайёрланди. Миллий қонун ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларига мувофиқлигини аниқлаш чора-тадбирлари кўрилди.

Институтнинг фаолияти парламент қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда амалга оширилди.

Институтнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги кўламлари кенгайди. Хусусан инсон ҳуқуқларини қонун йўли билан тартибга солишни ривожлантириш муаммоларига бағишлаб қатор халқаро ташкилотлар ваколатхоналари билан биргаликда илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Шу билан бирга, мажлисда таъкидланганидек, институт фаолиятида муйаян камчилик ҳам мавжуд. Институт фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилаш, илмий ишланмаларни мувофиқлаштириш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида 1999 йили институт қошида ташкил этилган илмий-маслаҳат кенгашининг иш самарадорлигини ошириш зарур.

Олий Мажлис Кенгаши институт раҳбариятига Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссиялари билан ҳамкорликда қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишида фан ютуқлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан фойдаланишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўришни, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларига қонунлар ижро этилиши назоратини амалга оширишларида кўрсатилаётган услубий ёрдамлар самарадорлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришни топширди.

Депутатлар хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатларининг, халқаро нормаларнинг маълумотлар базасини шакллантириш борасидаги ишларни давом эттириш зарурлигини қайд этиб ўтди. Бинобарин, бу маълумотлар базасидан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш чоғида Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари самарали фойдаланиши мумкин бўлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган вазифалардан келиб чиқиб, сиёсий ва иқтисодий турмушни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришга, жамиятни маънавий янгилашга қаратилган миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш муҳим эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Олий Мажлис Кенгаши ўз ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

*Ижтимоий ҳимоя*

## НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИНИНГ САВОБЛИ ИШЛАРИ

***Инсон борки, бекаму кўст, гўзал яшашга интилади. Ҳаётданниманидир излайди, бирон нарса яратишга ҳаракат қилади. Баъзида энди мақсадимга эришдим, деганида, албатта ўзининг қадрли нарсасини ёки яқин кишисини йўқотади. Бу дунёни «бир кам дунё» деб аташларининг боиси ҳам шундан бўлса керак.***

Нима бўлгандаям, бу фоний дунёда яхши ном қолдириш, эзгуликка интилиб яшаш, меҳр-мурувват кўрсатиш энг савобли ишлардандир.

Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг олдига қўйган асосий мақсадларидан бири ҳам жамиятимизнинг кўнгли ўксик вакиллари ҳаётига қувонч, бўлсада мазмун бахш этишдан иборатдир. Мазкур жамият шу кунга қадар 150 мингдан зиёд ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ўз сафига бирлаштирган бўлиб, 148 та бўғиндаги вилоят, туман ва шаҳар бўлимларига ҳамда 80 дан зиёд ишлаб чиқариш корхоналарига эга. Шу ўринда алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, жамият ўз ички имкониятларидан фойдаланиб, тизим тасарруфида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига маблағ жамғаради ва уни хайрли ишларга сарфлайди. «Умид» реабилитация марказининг ташкил этилиши, Бекободда махсус ногирон болалар боғчасининг очилишини ана шундай хайрли ишлар сирасига киритсак бўлади. Шу билан бир қаторда кейинги икки йил мобайнида ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар фарзандларининг олий ўқув юртларида ўқишлари, кам таъминланган оилаларнинг болаларини даволаш учун салкам 4 миллион сўм маблағ сарфланди. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1998 йилда жамият корхоналари томонидан 60 миллион сўмлик атрофида маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, соф фойда 10 миллион сўмни ташкил қилган. Ўтган йилда эса ушбу кўрсаткич янада яхшиланди. Кўриб турганингиздек, шу тариқа ногиронлар жамияти иқтисодий жиҳатдан ўзини тўла таъминлай оладиган республикадаги йирик нодавлат ташкилотларидан бирига айланди.

Шуни ҳам эътироф этиш зарурки, молиявий шароит тақозосига кўра ногиронларнинг барчасига ҳам бирдек ёрдам кўрсатиш имконияти йўқ. Шу боисдан ҳам биз сўз юритаётган жамият раҳбари Содиқ Убайдуллаев ташаббуси билан тизимда ногиронлар меҳнатидан унумли фойдаланишга ихтисослашган турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналарни кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилаяпти. Уларнинг фаолият кўрсата бошлаши ногиронларни иш билан таъминлашдан ташқари ташкилотнинг молиявий имкониятларини ҳам кенгайтиради. Муҳими, фойдали иш билан банд бўлган киши кераксиз уй-ташвишлардан халос бўлади, меҳнати маҳсулидан завқ олади, оқибатда ҳаётга муносабати ҳам ўзгаради. Буни яхши англаган жамият раҳбарлари бу борада янада самарали натижаларга эришиш мақсадида халқаро ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли тизими билан ҳамкорликда жамият томонидан янги иш жойлари очишга қаратилган 4 та дастур амалга оширилди, Япония элчихонаси кўмаги билан 2 та ишлаб чиқариш корхонасини ишга туширишга муваффақ бўлинди.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, тизимда ўзига яраша муаммолар ҳам етарли. Ҳанузгача ногиронларни протезлар, қўлтиқ таёқлар каби ортопедия буюмлари билан таъминлашда бир қанча қийинчиликларга дуч келинмоқда. Тошкент тиббий буюмлар ишлаб чиқариш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги протез корхонаси барча эҳтиёжларни қоплайдиган даражада протезлар, махсус оёқ кийимлари, тутрлар, бандажлар ва корсет маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бироқ жойлардаги ижтимоий таъминот бўлимлари ўз буюртмаларига маблағни вақтида ўтказиб бермаслиги корхонанинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ногиронлар учун бу маҳсулотлар сув билан ҳаводек зарурлигини улар қаердан билишсин.

Шунга қарамасдан жамият томонидан ногиронларни керакли анжомлар билан таъминлашни иложи борича яхшилаш мақсадида Андижонда ногиронларнинг хонада юришига мўлжалланган аравачасини ишлаб чиқарадиган корхона барпо этилди. Бироқ бу каби аравачаларнинг орқа ғилдиракларини излаб топиш муаммолигича қолмоқда. Жамият раҳбарлари келажакда ногиронларнинг нафақат хона аравачаларини, балки унинг сайр, тиббий эҳтиёж, спорт учун мўлжалланган турларини ҳам яратишмоқчи. Агар уларнинг бу ниятлари ҳам амалга ошса республикамизда ногиронлар спорти, оғир ва енгил атлетика, армрессилинг, теннис ҳатто сузиш бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин бўлади. Бу борада дастлабки қадамлар ҳам ташланди. Республика спорт қўмитаси билан Ўзбекистон ногиронлар спорти Ассоциацияси ташкил этилди. Ишончимиз комилки, жамият раҳбарларининг мақсадлари, албатта вожиб бўлади. Ахир бежиз айтишмайди-ку, эзгу ишни Худонинг ўзи қўллайди, деб.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Дил изҳори*

## ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Қозоқ фарзандиман, тақдиримдан беҳад миннатдорман. Боиси, умрим жаннатмакон ўлка - Ўзбекистонда, бағрикенг ўзбеклар орасида ўтмоқда. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Оила аъзоларим Турбатда узоқ йил ҳаёт кечиришган. Бир куни Ўзбекистоннинг Қуйи Чирчиқ туманида яшаётган қариндошларимизни кўргани келдик. Кутилмаганда опам Равшаной касал бўлиб қолди. Аҳволи оғир эди. Яхши одамлар ёрдамида уни тезликда касалхонага олиб бордик. Қарангки, Раъногул исмли ўзбек қизи унга қон бериб, мушкулини осон этибди. Ўшанда ўзбеклар нақадар бағрикенг, жонкуяр инсонлар эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилгандим.

Вақт ўтиши билан оила аъзоларим билан Тошкент вилоятида яшай бошладим. Тўнғич ўғлим Ашурбек ўзбек деҳқонларидан ерни эъзозлашни, сархил неъматлар етиштириш сирларини ўрганди. Қуйи Чирчиқда шундай ажойиб боғ яратганки, кўриб ҳавасингиз келади. У бу ердагилар билан қадрдонлашиб, қуда-қудағай бўлиб кетган. Яқинда ўзбек хонадонига қиз бермоқчимиз. Кўп миллатли кишилар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик мустаҳкамланса қандай яхши.

Шу маънода 20 апрел куни Тошкентдаги Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари Президентларининг учрашуви бағоят муҳим аҳамият касб этди, деб ўйлайман. Ўзаро мулоқот чоғида минтақавий ҳамкорлик ва Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро муносабатларига оид масалалар муҳокама этилди. Бу ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда яшаётганимдан, Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланаётганлигидан бошим осмонда.

**Сарсенбой АЛИМБОЕВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**Тошкент вилояти.**

### *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ*

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қарор қилади:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси 2000 йил 25 май куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг раиси** **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри
2000 йил 25 апрел

***

Олий Мажлис иккинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

**1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2004 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари тўғрисида.**

**2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ҳамда 2000 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида.**

**3. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.**

**4. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.**

**5. «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг лойиҳаси ҳақида.**

**6. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг лойиҳаси ҳақида** (янги таҳрири).

**7. «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг лойиҳаси ҳақида** (янги таҳрири).

**8. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг лойиҳаси ҳақида** (янги таҳрири).

**9. «Фуқаролар муҳофазаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг лойиҳаси ҳақида.**

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

*Намангандан хушхабар*

## ТЕЛЕМАРКАЗ ЯНГИ БИНОДА

Телевидение оммавий ахборотнинг энг тезкор ва самарали воситасига айланиб қолган. Бугунги кунда унинг вилоят тармоқлари фаолият қирралари ҳам тобора кенгайиб бораётир. Жумладан, Наманганда кеча фойдаланишга топширилган янги телемарказ ўз кўрсатувларини бутун Фарғона водийсига тарқатаётган «НТВ»нинг моддий-техник ва ижодий имкониятларини мустаҳкамлайдиган бўлди. Унинг ишга туширилиши натижасида наманганлик тележурналистларнинг долзарб муаммолари ечимини топди. Энг муҳими, улар эндиликда кўрсатувларни тўғридан-тўғри эфирга узатишнинг замонавий усулларидан бемалол фойдалана оладилар. Янги марказ тармоқнинг халқаро андозалари даражасида барпо этилди. Уни ишга тушириш учун 281 миллион сўм маблағ сарфланди. «Наманганқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг Наманган шаҳар бошқармаси бинокорлари катта бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар. Тўрт қаватли муҳташам бинода тележурналистлар ва техник ходимлар учун ҳар томонлама қулайликлар яратилган.

Бугун-эрта телемарказга Германиянинг «Сименс» фирмасидан 4 миллион 837 минг немис маркаси миқдорида энг замонавий аппаратура ва жиҳозлар келтирилади. Улар ўрнатилгач, кўрсатувлар сифати янада яхшиланади.





*Рағбат*

## ИЛҒОР МЕХАНИЗАТОРГА ТЕЛЕВИЗОР

Узун туманидаги Ж.Пирназаров номли ширкат хўжалиги раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳар доим ҳам чигит экиш мавсумини кўтаринки руҳда ўтказади. Шу боис ҳозирги кунда бу борада қизғин иш олиб борилмоқда. Бу ишни Хуррам Мақсадов, Қурбон Муҳаммадиев, Меликмурод Эшдавлатов, Отамурод Ҳошимов каби механизатор ва сеялкачилар амалга оширмоқда. Бу ерда оддий ишчидан тортиб, хўжалик бош мутахассисларининг ҳам кайфияти аъло. Чунки, меҳнатга яраша рағбат яхши йўлга қўйилган.

Хўжалик касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан чигит экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тадбир ишлаб чиқилди. Унга муовофиқ мавсум иштирокчиларига мадад пули берилди. Дам олиш жойларида радио, телевизор, газета ва журналлар ҳамда шахмат-шашка ташкиллаштирилди. Тадбирга биноан хўжалик ҳисобидан 3 маҳал бепул иссиқ овқат, сут-қатиқ бериляпти. Мавсум ниҳоясига бориб, чигитни сифатли ва энг кўп эккан механизаторга бепул рангли телевизор, II-III ўриндагиларга гилам совға қилинди. Сеялкачиларга эса гилам ва ҳар бирининг иш ҳақига 20 фоиз қўшимча тўланади.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ФАРЗАНДЛАР ФАРОҒАТИ ЙЎЛИДА

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилини ташкил этиш масаласига бағишланган йиғилишда шундай рақам келтирилди: Сурхондарёда кейинги йилларда болалар оромгоҳларига эътиборсизлик, лоқайдлик ҳукм сурганлиги оқибатида ўтган йили вилоятдаги мактаб ўқувчиларининг атиги 7 фоизигина лагерларда дам олган.

Тоғлардаги хушманзара, табиати сўлим масканларда қурилган оромгоҳлар турли сабаблар билан ўз ҳолига ташлаб қуйилган ёки ёпилган. Мавжудларида ҳам шароит жуда ёмон. Овқатланишни ташкил этиш, тиббий ва алоқа хизмати, электр қуввати, тоза ичимлик сув таъминоти ва бошқа муаммолар кўп.

«Соғлом авлод йили»да фарзандларимизнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш ва бу билан уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш долзарб вазифа эканлиги йиғилишда алоҳида қайд этилди.

# ФУҚАРО ҲАҚ-ҲУҚУҚИ

## УНИ КИМ ВА НИМА САБАБДАН ЧЕКЛАМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» деб кўрсатилган. Шу боис ишга лаёқатли ҳар бир фуқаро ўз касбига мувофиқ меҳнат қилиши ва ўзининг иқтисодий аҳволини яхшилаши лозим.

Аммо корхоналардаги мавжуд иқтисодий қийинчиликлар фуқароларнинг меҳнат фаолиятига таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта. Айрим корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги натижасида ишчи-хизматчи, ходимларнинг маълум қисми ишсиз қолиши кузатилмоқда.

Уларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш энг муҳим масаладир.

Бироқ, барча ташкилотларда ҳам мазкур масалага муносабат қонун талаблари даражасидадир, деб бўлмайди. Айрим жойларда фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини бузиш, уларни ноқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки ойлик маошларини вақтида тўламаслик ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида Хоразм вилоят касаба уюшмалари кенгашига фуқаролардан уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида 315 та ариза ва шикоятлар тушган. Хатларнинг аксарият кўпчилигида ойлик маошларни ўз вақтида бермаслик, ноқонуний ишдан бўшатиш ёки меҳнат шартларини ўзгартириш, ходимларни соғлиғига етказилган зарарни тўламаслик ва бошқа масалалар кўтарилган.

Меҳнат қонунининг 154-моддасига асосан иш берувчи ўзининг молиявий аҳволидан қатъий назар, ходимга бажарган иши учун қонунда белгиланган муддатда ҳақ тўлаши шарт, деб ёзиб қўйилган. Лекин айрим идора раҳбарлари қонуннинг бу талабига риоя қилмай ходимларнинг ойлик маошларини ўз вақтида бермасдан уларни иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга солиб қўядилар. Қонунбузар раҳбарларга нисбатан эса тегишли чора кўрилмагани учун улар бу муҳим масалага эътиборсизлик билан қараб, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини поймол қилмоқдалар.

Ўтган йил мобайнида иш ҳақларини ўз вақтида бермаслик тўғрисида 53 та ариза тушган.

Масалан, Урганч қурилиш материаллари заводи (бошлиғи О.Дўсимов) ишчиси И.Ниёзметовга 11828 сўм, Хоразм ипаги корхонаси (бошлиғи А.Худойберганов) ишчиси М.Салаевага 18912, «Агроводоканал» корхонасининг 5 нафар ишчи-хизматчисига 35216, Хонқа туман Хонқа қўрғонида яшовчи, Янгибозор туман «Жайхун» жамоа хўжалигида ишловчи Вапаев Амин ва Вапаев Мўминга 82603 сўм иш ҳақлари ноқонуний равишда берилмай келган.

Меҳнат кодексининг 159-моддасига асосан ходимнинг айбисиз корхона бекор туриб қолинган вақтда унинг ўртача иш ҳақи сақланади, дейилганлигига қарамасдан айрим корхона раҳбарлари ходимларга иш ҳақи бермаяптилар.

Айрим ташкилотларнинг раҳбарлари меҳнат қонунларини билмаслиги ёки эътиборсизлиги сабабли ходимларни ноқонуний равишда ишдан бўшатиш ҳолларига йўл қўймоқдалар. Оқибатда фуқаролар ўзларининг бузилган қонуний ҳуқуқларини тиклаш учун вилоят касаба уюшмалари кенгашига, суд ва бошқа органларга мурожаат қилишга мажбур бўлаётирлар.

Ўтган йил мобайнида ишдан ноқонуний равишда бўшатилган фуқаролардан 27 та ариза тушган.

Масалан, вилоят 1-клиник шифохонаси жарроҳлик бўлими катта ҳамшираси З.Жумакова, «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти бўлим бошлиғи Н.Матёқубов, Урганч туманидаги 4-мактаб директори З.Давлетова ва бошқалар ўзларининг олдинги эгаллаб турган лавозимларига тикландилар ва уларга етказилган моддий зарар ундириб берилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, қонунларга беписанд қарайдиган раҳбарларнинг айби билан фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлмоқда. Масалан, Урганч шаҳар маиший хизмат коллежи директори С.Қуранбоев 1999 йил 28 августда ишдан озод қилинмай туриб, ўрнига бошқа раҳбар тайинланган.

Нафақа пулларини ўз вақтида бермаслик тўғрисида ҳам фуқаролардан ариза ва шикоятлар тушмоқда. Урганч шаҳар Ал-Беруний кўчасида яшовчи М.Искандаровага Урганч автомобил йўл коллежидан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари учун ва бола туғилганда бериладиган нафақа, ички ишлар бошқармасининг тиббий хушёрхона бўлими санитаркаси З.Муратовага бола туғилганда бериладиган нафақа пуллари ва фуқаро Отабой Тиллаевга 45972сўм нафақа тўланмасдан келинган.

Афсуски, айрим ташкилотларда ходимларнинг белгиланган иш вақтидан ортиқча ишлатиш ҳолларига ҳам йўл қўйилмоқда.

Ваҳоланки, меҳнат қонунининг 115-моддасига биноан ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги керак. Ўтказилган текширишлар натижасида Хива туманидаги Беруний номли, Ҳазорасп туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжаликларида ходимлар ҳафтасига 40 соат иш вақти ўрнига 42-45 соат ишлаганликлари аниқланди ва уларнинг қўшимча иш ҳақлари ундириб берилди.

Меҳнат қонунининг 78-моддасида ишга қабул қилишда ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди, деб кўрсатилган ва қуйидаги ҳоллар ғайриқонуний равишда рад этиш, деб ҳисобланади:

иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмаслик;

иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларни (белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган ногиронлар ва 18 ёшга тўлмаганларни);

ҳомиладор аёлларни ва 3 ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни, уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб ишга қабул қилмаслик.

Агар ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи ишга қабул қилишни рад этишнинг сабабини асослаб, 3 кун муддат ичида ёзма жавоб бериши шарт. Бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим.

Лекин, кўпчилик ҳолларда қонуннинг ушбу моддасига мутлақо амал қилинмайди. Айрим раҳбарлар бўш ўрин бўлишига қарамасдан, қонунга зид равишда ишга қабул қилишни рад қиладилар, ишга кирувчилар эса қониқарли жавоб олмасдан сарсон-саргардон бўлиб юрадилар.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, фойдали меҳнат билан банд бўлган фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий муҳофазаси ҳақида жон куйдирмаган масъул шахслар кўпчилик орасида изза бўлиб, қонун олдида албатта, жавоб берадилар.

**Я.ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Хоразм вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳуқуқ бўлими мудири.**





Марғилон шаҳридаги «Линекс» ўқув компьютер маркази ёшларни замонавий техника билан ишлаш ҳамда чет тилларни ўргатишга ихтисослашган. Марказда турли вилоятлардан, туманлардан келган 125 нафар йигит-қизлар билим олишмоқда. Зухриддин Қурбонов бошчилик қилаётган марказда ўқув-тажриба хоналари, турли замонавий компьютер техникалари ёшлар ихтиёрида.

**Суратларда: 1. Марказнинг кўриниши. 2. Ўқитувчи Баҳромжон Муллажонов.**

**Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## МАВСУМ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Сурхондарё вилоятининг Бобатоғ, Ҳисор, Кўҳитанг яйловларида, қиру адирларда қўй боқаётган чўпонлар тўл олиш мавсумини кўнгилдагидек якунлади. 162 минг бош совлиқдан 157 мингта қўзи олинди.

*«Ишонч»га мактуб*

## ВАТАН – БУ МАНИМДИР, ҒУРУРИМ, ШОНИМДИР

Ҳар бир замонда кишилар ўз келажак авлодларининг маънан баркамол, жисмонан бақувват, иймонли, бир сўз билан айтганда комил инсонлар бўлиб вояга етишларини орзу қилганлар. Бироқ, бу эзгу ниятни давлат сиёсати даражасига кўтаришни Ўзбекистон Мустақилликка эришганидан сўнггина амалга ошириш имконияти яратилди.

Биз - талабалар Республика ҳукуматининг катта эътиборини ҳис қилиб яшаяпмиз. Аълочи ва намунали хулқ эгалари бўлган талабаларга махсус стипендиялар таъсис этилганлиги, хорижий давлатларнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида илм олиш имконияти яратилганлиги фикримизнинг далилидир. Ўқувчи ва талабаларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида касаба уюшмалари фаоллик кўрсатишмоқда. Хусусан, бизнинг касаба уюшма қошида худди шу мақсадда «Ёш олимлар ва талабалар билан ишлаш» комиссияси тузилган. Яқинда бир янгиликни мамнуният ила қарши олдик. Марказий қўмитамиз олий ўқув юртларининг аълочи, иқтидорли талабалари учун махсус мукофот таъсис этиб, ғоят хайрли ишга қўл урди.

Бугунги кунда касаба уюшмалари ҳисобидан биз учун турли спорт муассасалари, тўгараклар ташкил этилган. Май ойида гуллар маскани Наманган шаҳрида талаба ёшларнинг «Универсиада - 2000» мусобақалари ажойиб тарзда ўтказилиши кутилмоқда. Бизнинг вилоятимиз вакиллари унда спортнинг ўн тури бўйича иштирок этадилар.

Шу ўринда бир масала хусусида тўхталсам: Республикамизда вазирликлар ва касаба уюшмаларининг «Спорт жамияти» фаолият кўрсатмоқда. Лекин қишлоқ жойларда оммавий — жисмоний тарбия ишлари жуда суст. Бу муҳим ишга муносабатни тубдан ўзгартириш вақти етмадимикан?

Биз - ёш авлод жисмонан соғлом бўлибгина қолмай, маънан етук, ўз Ватанимизни сидқидилдан севадиган, унинг тарихи, қадриятлари билан фахрлана оладиган ғурурли инсонлар бўлишимиз даркор. Мақсадга эришишда олий ўқув юртлари қошида касаба уюшма қўмиталари ҳамда ректорлар ёрдамида ташкил этилган тўгараклар, театр студиялари муҳим рол ўйнаяпти.

Кези келганда таъкидлаш жоиз: баъзи эътиқоди суст ёшлар турли оқимлар таъсирига берилиб, қаттиқ янглишмоқдалар. Улар она Ватан, халқимиз олдидаги муқаддас бурчларига хиёнат қилишгача бориб етмоқдалар. Ишончимиз комил, улар охир оқибат минг бора пушаймон қиладилар. Бироқ, сўнгги пушаймоннинг фойдаси йўқ.

Ҳаётимизни матбуотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Таклиф қиламан, «Ишонч», «Ишонч-Доверие» газеталарида ёшлар ҳаёти, ижоди, орзу интилишларини ўзида мужассамлаштирадиган махсус рукнлар ташкил этилиб, изчил мақолалар бериб борилсин. Қолаверса, Тошкент шаҳрида жойлашган «Олимпия» музейида «Талаба спортчилар» бурчаги ташкил этилса айни муддао бўлар эди.

**Мавлуда САИДАҲМЕДОВА,**
**Фарғона Давлат политехника институти талабаси.**

## АНТИҚА ОПЕРАЦИЯ

Марғилонлик 10 ёшли Улуғбек Йўлдошев эҳтиётсизлик туфайли қаттиқ жароҳат олди - чап қўли елка қисмидан узилиб тушди. Бола Фарғона вилояти шошилинч тиббий ёрдам марказига олиб келинганида аҳволи жуда оғир эди. Марказдаги шифокорлар оёққа турди. Боланинг қон босимини кўтариш ва зудлик билан операцияга тайёрлаш даврида узилган қўл совутгичда сақлаб турилди. Етти соат давом этган микрожарроҳлик операцияси муваффақиятли тугалланди. Узилган қўл барча анатомик тузилишлари - артерия, вена, нерв томирлари, этлари бўйича уланди.

Бу вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказининг иш фаолиятидан бир мисол. Мазкур марказнинг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлангани, малакали шифокорларнинг жалб этилиши туфайли ана шундай мураккаб жарроҳлик операциялари ўтказиш имконияти пайдо бўлди.

- Ўтган бир ой давомида марказимизда 621 нафар бемор даволанди,- дейди марказ директори ўринбосари Н.Махмудов. - 306 нафар беморга стационар шароитда жарроҳлик ёрдами кўрсатилди. Буларнинг барчаси марказимизда жаҳон андозалари даражасида тиббий хизматнинг йўлга қўйилаётганлигидандир.

**Р.КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Иқтисодиётни эркинлаштириш - давр талаби*

# ТАДБИРКОРГА КРЕДИТ

## у кўзланган мақсадга ишлатилаяптими?

***Сирдарёда ҳам ўз интилиши, изланиши билан воҳа иқтисодиётини кўтаришга кўмаклашаётган тадбиркорлар кўп. Уларни қўллаб-қувватлаш қай йўсинда ташкил этилаётир? Ташаббускор орзуси ушалаяптими? Маблағ билан таъминлаш аҳволи қандай? Бу ҳақда вилоят «Бизнесфонд» раисининг ўринбосари Абдуғани САМАТОВ билан суҳбатда бўлдик.***

**- Тадбиркор - давр кишиси. Унинг яқин маслакдошларидан бири эса «Бизнесфонд» бўлиб қоляпти. Вилоят ишбилармонларининг истиқболидан кўнгиллари тўқми? Уларни биринчи галда қайси янгиликлардан воқиф қилган бўлардингиз?**

— Юртбошимиз иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида тўхталиб ўтди. Биз 2000-2005 йиллар мобайнида тадбиркорларга кредит бериш прогнозини ишлаб чиқдик. Энг мақбул 245 лойиҳага 247 миллион сўм кредит ажратилиши кўзда тутиляпти. Сарфланиши мўлжалланаётган бу маблағ 378 та янги иш ўринлари яратиш имкониятларини беради. Қолаверса, бу имтиёзга эга бўлишни истовчи тадбиркорлар лойиҳаси пишиқ, пухта бўлиши, чуқур асослар билан таъминланиши даркор. Чунки ажратиладиган кредит маблағлари маълум муддатга берилади. Айни шу муддат ичида ишбилармонлар ўз ишини юритиб олиш билан биргаликда қарзларни ҳам қайтариши даркор. Бу борада таваккалчиликка сира ўрин йўқ. Қатъий фикрли, бир ишнинг этагини тутиб уни ниҳоясига етказадиган, халққа манфаат келтиришни ўз олдига вазифа қилиб олган кишилар учун доимо эшигимиз очиқ. Уларга бемалол кредит олиши учун барча зарурий шарт-шароитлар яратиб берилади.

**- Ўтган муддатда қанча кредит ажратилди?**

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг 291-қарорига мувофиқ бошқармамиз томонидан ўтган йилларда 52 нафар тадбиркорга 53 миллион сўмга яқин кредит берилди. Шунингдек, бир қатор туманлардаги ишбилармонлар ҳам бундай имтиёзлардан фойдаланишди. Чунончи, Гулистон туманидаги 13 нафар, Боёвут туманидаги 22 нафар тадбиркорга 36 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Уларнинг аксарияти бугунги кунда ўз фаолиятларини тубдан яхшилаб олди, десак муболаға бўлмайди. Бироқ Ширин шаҳри, Оқолтин ва Шароф Рашидов туманлари тадбиркорлари бу борада оқсаб қолишаётганини айтиб ўтиш жоиз. 1999 йилда 775-тартиб бўйича вилоятимиздаги 9 нафар тадбиркор 26 миллион 500 минг сўм миқдоридаги кредит билан таъминланди. Бу маблағлар асосан деҳқон-фермер хўжаликлари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди.

**- Кредит олиш яхши. Аммо уни кўзлаган мақсадга ишлатишда ғайриқонуний йўл тутаётганлар ҳам бордир?**

- Гапнинг очиғи, бошқармамизда бу масала шошма-шошарлик билан ҳал этилмайди. Оддий бир мисол. Гулистон туманидаги «Роҳат» хусусий фирмаси раҳбари Набижон Маматқулов 1999 йилда бошқармамизга ўз лойиҳасини тақдим этиб, 2 миллион сўм миқдорида кредит ажратишни сўраганди. Унинг таклифини маъқулладик. Фирма бир йиллик имтиёздан сўнг дастлабки йилданоқ олган кредитнинг 1 миллион 100 минг сўмини қайтаришга эришди. Қолган суммани ҳам ўз муддатида қайтаришга тўла имконияти бор. Шунингдек, Лизинг йўли билан хориж техникаларини келтириш истагида бўлганларни ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Оқолтин туманидаги «Пахтакор» деҳқон-фермер хўжалиги «Морал» русумли хашак ўриш машинаси олган бўлса, якка тартибда фаолият кўрсатаётган Гулистон туманилик ишбилармон Комила Мирзаева 318 минг сўмлик «Зингер» тикув машинасига эга бўлди. Уларда ҳам ўз қарзларини пайсалга солмасдан узиш имконияти бор.

Яширишдан не ҳожат. Ўз олдига катта мақсадларни қўйиб, аммо эвини қилолмасдан бармоқ тишлаб қолганлар ҳам йўқ эмас. Бундайларни ҳушёр, уддабуронроқ бўлишга чақирган бўлардик. «Олмоқнинг бермоғи ҳам бор».

Хуллас, тадбиркорларни ҳар доим қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Энг маъқул лойиҳа, амалий таклифлар ҳар доим эътибордан четда қолмайди.

**Суҳбатдош:**
**Н.ШАМСИЕВ.**

*Долзарб мавзу*

# ХУСУСИЙЛАШТИРИШ: КАМЧИЛИКЛАР ҚИММАТГА ТУШДИ

***Деҳқонобод — республикамиздаги чорвачиликка ихтисослашган туманлардан бири. Бир пайтлар туман давлатга гўшт, сут ва қоракўл тери етказиб беришда юқори ўринларни эгаллаб келган. Кейинчалик эса асосий тармоққа эътибор сусайди. Тадбирлар бажарилмай қоғозда қолиб кетди.***

Хусусан, чорвачиликни хусусийлаштириш борасидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори туманда номигагина бажарилганлиги, рақам ортидан қувиш оқибатида фермалар уқувсиз, соҳани пухта билмайдиган кишиларга топширилганлиги кейинчалик панд берди.

Далилларга эътибор қаратайлик. Чунончи, 1998 йилда туман бўйича 1001 та бузоқ олиш режалаштирилган бўлса, амалда 683 та, ўтган йил эса 649 та бузоқ олинган, холос. Ёки ҳар юз бошга ўртача 37 тадан тўғри келган. Маҳсулот етиштиришдаги кўрсаткичлар янада аянчли. Ўтган йили ҳар бош сигирдан 218 килограммдан сут соғиб олинганлигини қандай изоҳлаш мумкин.

Ўзибўларчилик ва эгасизлик туфайли тармоқда ишлар аста-секин издан чиқди. Чорвадорлар меҳнатига яраша манфаат кўрмаётганлиги, туман марказидаги сутни қайта ишлашга мўлжалланган корхона бугун маҳсулот йўқлигидан ҳувиллаб ётганлиги ачинарли ҳол.

Яна бир масала. Ўтган йил кузакда қишловга етарлича озуқа жамғарилмади. Моллар, қўй-қўзилар парвариши ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Тўйимли озуқанинг етишмаслиги ва парваришнинг нобоплиги боис жорий йилнинг уч ойида 615 та қўй-қўзи нобуд бўлди, 770 таси мажбурий сўйилди.

Қаерда меҳнат аҳлига қулай шарт-шароитлар яратилиб, хайрли ҳаракатлар қўллаб-қувватланаётган бўлса, ўша ерда иш олдинга босади. Бахтга қарши бу ердаги аксарият хўжаликларнинг раҳбару мутахассислари сўнгги вақтларда инсон омилига эътиборни сусайтириб юбордилар. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш ҳақида тадбир устига тадбир белгиланган бўлса-да, амалий ишдан дарак бўлмади. Хусусийлаштириш амалга оширилгач, чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатиш, озуқа захирасини мустаҳкамлаш кутилган даражада бўлмади. Аксинча, кимлардир мендан кетди, эгасига етди қабилида фаолият юритдилар. Бу билан кимга фойда-ю, кимга зиён эканлигини чуқур англаб етмадилар.

Таъкидланганидек, чорвачиликни ривожлантиришнинг бош омилларидан бири озуқадир. Молларга етарли миқдорда емиш ҳозирлаш учун шароит етарли бўлгани ҳолда имкониятлардан унумли фойдаланилмади. Яна ўзибўларчилик, расмиятчилик панд берди. Аниқроқ айтганда, сўнгги чорва қишлови учун 30 минг тонна хашак жамғарилиши лозим эди. Амалда эса бу кўрсаткич 21 минг тоннани ташкил этди. Қиш чиқар кезлари аксарият хўжаликларда емиш тугаб, анча қийин шароит юзага келди, маҳсулдорлик кескин камайиб кетди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, мактаблар, болалар боғчалари, қолаверса, туманда истиқомат қилаётган аҳолини сут ва сут маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашнинг имконияти бой берилган. Қайта ишлаш корхоналари тўла қувват билан ишламаяпти. Ваҳоланки, завод тўла ишга тушса, қанчадан-қанча ёшлар ишга жойлашардилар.

Ҳаётимизни чорвачилик маҳсулотларисиз тасаввур этиш қийин. Деҳқонобод тумани раҳбарлари тармоқдаги ташвишли ҳолни бартараф этиб, мўлжалдаги чорва маҳсулотини етиштириш, бу билан мўл-кўлчилик ишига муносиб ҳисса қўшиш учун ишда туб бурилиш қилмоқлари лозим. Бунинг учун эса расмиятчилик, хусусийлаштирилган фермаларга ўгай кўз билан қараш барҳам топиши, озуқа етиштириш, моллар зотини яхшилаш масалаларига ихлос билан киришилиши талаб этилади.

**А.ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

### 9 -май Хотира ва Қадрлаш куни

**«Бугунги кунда Ўзбекистон Қаҳрамонлари Николай Иванович Кучерский, Анатолий Никифорович Панин, шунингдек тадбиркор Маҳмуд Исмоилов, меҳнат фахрийлари Иброҳим НОРОВ, Муяссар Нуритдинова, Ахназар Умаровлар номини вилоят аҳли катта ҳурмат-эхтиром билан тилга олиши бежиз эмас. Улар ўзларининг шарафли ҳаёт йўли, бунёдкорлик ишлари билан ўсиб келаётган ёш авлодга ҳамиша ибрат бўлмоқда».**

**Ислом КАРИМОВ.**
**(Навоий вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувдаги нутқдан).**

# Иймон

Очерк



Эшигига «Навоий вилоят «Нуроний» жамғармаси бўлими» деб ёзилган хоналардан бирида сочлари сийрак, кўзлари ўйчан ва маъноли нуроний киши ўтирибди. Ёнидаги саватда мижиғланган қоғозлар. Қўлидаги қалам бир дақиқа йўрғалайди-ю тўхтаб қолади. Қуюлиб келган фикрлардан қора тортган қоғоз иккига бўлинган ҳолда яна саватга равона бўлади. Ва яна ҳаёл оғушига ўралиб, ўзини-да унутар даражада ишлашга тутинади. Лекин, бугун негадир қалам унинг измига бўйсунмасди. Нега шундай бўляпти? Эҳтимол, камтарлиги, ҳокисорлиги, аниқроғи, ўзига баҳо беришга одатланмаганлиги бунга сабабчидир.

Қандай бўлганда ҳам юқори идоралардан бири раҳбарининг «Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан талабалар билан учрашувингизни ўтказмоқчимиз. Яхшилаб тайёрлансангиз» деган илтимосини бажариши керак. Лекин уни уддасидан чиқиш қийин кечмоқда эди. Хўш, гапни нимадан бошласин? У 74 баҳорни қаршилаб, ҳаётда бирон-бир сезиларли из қолдирдими?

Из... Излар кўп. Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам мантиқ тарозисида ўлчаб бўлмайди. Аввало, унинг ўзи нима? Босиб ўтилган йўлми ё ортда қолган хотираларми? Фақат бу - эмас, у - маъноли ҳаёт, сермазмун фаолият, эл раҳмати ва эзгулик, ҳалол меҳнатдан роҳат-фароғатга элтувчи машаққатли йўл. Хўш у, яъни Иброҳим Норов шундай йўлни босиб ўтолдими?

Оғир бўлса ҳам ҳаётдаги ташвишли, дардли дамларни гапиришига тўғри келади. Негадир уруш таассуротларини эслаганда оғирлашиб қоладиган бошини икки кафти орасига олдида ҳаёлот жиловини бўш қўйди... Ўшанда эндигина ўн беш ёшга кирганди. Ёши катталар урушга сафарбар қилинганди. У ҳам оддий кетмончи бўлиб, аёллар, қариялар сафида оч-наҳор кундузи далада ишлар, кечаси буғдой, арпа ўрар, кўрак чувар, топилганда кунжара аралашган зоғора нон ерди. Очликдан даланинг ўзида жон берганларни ўз кўзи билан кўрди. ... Урушдан ногирон бўлиб қайтгач, Кармана шаҳрида, олий маълумот олгач, қатор туманларда турли лавозимларда ишлашига тўғри келди. Лекин, қаерда меҳнат қилмасин у ёш авлод тарбияси, муҳтож оилаларга ёрдам, шаҳар, қишлоқларни ободонлаштириш масалаларига биринчи даражали вазифа деб қарашга одатланди. 43 йил аввал Бухорода ҳашар йўли билан бунёд этилган кўл ҳозирда ҳам шаҳарликларнинг ҳордиқ чиқарадиган сўлим жойларидан биридир. Навоий вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси лавозимида тўрт йил ишлаганида ҳам воҳани кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш масалалари билан бевосита ва билвосита шуғулланди. Жумладан, 1993 йилда вилоят фахрийлари республикамиз мустақиллигининг уч йиллиги шарафига ҳар бир нуроний 3 тадан мевали ва 10 тадан терак экиши керак, деган ташаббус билан чиқиб, республикамиз барча меҳнаткашларига қарата мурожаат қабул қилдилар. Ушбу ташаббус вилоят ҳокимлиги ва Республика фахрийлар Кенгаши Пленуми томонидан маъқулланди. Унинг ўзи Сурхон воҳасидан Калифорния тераги қаламчаларидан 100 минг дона келтириб, барча туманларга тарқатди. Кейинги йили эса экилган тераклар сони 1,5 миллионтага етказилди, 100 гектар чорбоғ, салкам 50 гектар узумзорга асос солинди. Бу рақам йилдан - йилга ошиб борди. Нурота туманидаги «Ғозғон» қўрғонида уруш ногирони Эргаш ота Турсунов бошчилигида 12 гектарли боғ яратилди. Бир неча туманлар марказларида юртдошларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида ёдгорлик мажмуалари қурилди, борлари таъмирланди. Республика уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши ҳомийлигида чоп этилган 33 томлик «Хотира» китоби урушда ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолганлар оилаларига, яқинларига бепул тарқатилди. Буларнинг ҳаммаси келажак авлод учун фахрийлардан эсдалик, қутлуғ из қолдириш эмасми?

Қайсидир бир жойни кўкаламзорлаштириш режаси тузилаётганда айрим раҳбарлар унга аҳамият бермайдиган бир жиҳатга унинг алоҳида эътибор билан қараш одати бор. Яъни, масалан, ташландиқ майдонни ободонлаштириш ғояси туғилади-ю шу ерга зудлик билан дов-дарахт ниҳоллари экила бошланади. Лекин, эртага унинг тақдири нима бўлади? Бу масала билан ҳеч ким қизиқмайди. Шу боис, у айниқса, ёш раҳбарларга экишдан аввал сув масаласини ҳал қилиш шартлигини маслаҳат беради. Тўғри-да, гектарлаб майдонга яхши ният билан ниҳол ўтқазилса-ю, сувсизликдан у қуриб бир арава ўтинга айланса, қанчадан-қанча меҳнат, сарф-ҳаражатлар зое кетса - бундай мантиқсизликнинг кимга кераги бор?!

Шу маънода аҳолининг мева-чевага бўлган эҳтиёжини қондириш, ўзбек боғдорчилиги шуҳратини тиклаш мақсадида бошланган «Ўзбекистон боғлари - нуронийлар нигоҳида» ҳаракати айни муддао бўлди. Бурноғи йил кузи ва ўтган йил баҳорида фақат вилоят бўйича 3 миллион 400 мингта мевали ва Калифорния тераги ниҳоллари экилди. Бу тадбирларда 3700 нафарга яқин фахрийлар бевосита иштирок этдилар. Кейинги икки йил мобайнида 632 та оилавий боғлар ташкил қилиниб, ҳар бир боғ учун масъул нуроний тайинланди. 5-6 йил аввал ўтқазилган ниҳоллар шиғил мевага кирган, иморатбоп тераклар эса қурилишга ишлатилмоқда. Хомчўт қилиб кўрилса, кейинги олти йил мобайнида 16 миллион тупдан зиёд терак экилибди. Бу - унинг тўсинлари ўрта ҳисобда 850 мингта хонани тиклашга етади, деганидир. Ҳам арзон, ҳам қулай. Болажон, бунёдкор халқимиз учун бундай хайрли ишлар нечоғлиқ зарур эканлигини яхши ҳис қилган ҳолда саъй-ҳаракатлар бўшаштирилмаяпти. Жумладан, Қизилтепа туманидаги Бўстон қишлоғида барпо этилган «Фахрийлар боғи»да 2000 туп турли мевали кўчатлар парвариш қилинаётир. Холиқ Раҳимов, Узоқ Ҳошимов, Шукур Шарипов, Шамси Худоёров сингари фахрийлар ёшларга бош-қош бўлаяптилар.

Қариси бор уйнинг - париси бор, деганларидек, нуронийларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам қайғурмоқ лозим. Уларни санаторий, дам олиш уйларига жойлаштиришдан ташқари, Кармандаги эски Бухоро амирининг Мирза чорбоғини обод қилиш ва унинг ҳудудида 50 ўринли профилакторий қурилиши вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси билан «Нуроний» туман кенгаши ҳамкорлигида олиб борилмоқда. Айни пайтда ўтқазилган 10 минг туп мевали ва манзарали дарахтлар баравж ривожланаяпти. Қосим Қобулов номли, «Деҳқонобод», «Бухоро», «Тошработ», «Тавоис», Навоий номли жамоа, ширкат хўжаликларида замонавий боғлар, чорбоғлар ташкил қилинди. Кўкаламзорлаштириш ҳаракатини оммавий тус олдиришни кўзда тутиб, вилоят кенгаши «Боғлар - нуронийлар эътиборида» мавзуида кўрик-танлов ўтказди. Унда Қизилтепа тумани «Бухоро» ширкат хўжалиги агрономи Деҳқон Шерқулов 1-ўринга лойиқ кўрилди ва «Мураббий боғбон» фахрий номини олди Кейинги ўринларни Хатирчи ва навоийлик боғбонлар эгаллашди.

Яна нималарни гапириш мумкин? Аслида деҳқон оиласида туғилганиданми, ҳар ҳолда доим бутун вужуди-ла она замин билан тиллашишга ошиқиб туради. Қуш тилини қуш билади, деганлари бежиз эмас экан. Пойтахтдан Навоий шаҳрига келган Меҳнат Қаҳрамони машҳур Ризамат ота Мусамуҳаммедов (марҳум) унинг уйида меҳмон бўлганди. Қизғин кечган гурунглар пировардида Ромитанда учта боғга асос солиш билан якунланди. Келгуси йили эса Меҳнат Қаҳрамони Т.Салимов билан ҳамкорлик меваси сифатида Жондор туманида яна учта боғ яратилди. Навоий шаҳри ёнбошидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги ўрамида 150 га. Навоий тумани марказида 50 га. боғ ҳамда урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик атрофида 30 минг туп ниҳол экилган ҳиёбон ташкил этилди... Ўйлаб қараса сал кам 75 йиллик умрининг асосий қисмини қақроқ ерларни обод қилишга бағишлабди. Дарвоқе, шогирд етиштирмаган устоз- мевасиз дарахтдек гап. Аллоҳга шукурки, жон койитиб, ўзида бор билим-тажрибани беришга ҳаракат қилган шогирдлари орасида фан докторидан тортиб академикгача, ўқитувчи ва деҳқондан тортиб йирик корхона ёки хўжалик, ташкилот раҳбарларигача бор. Улар айни пайтда ҳам эл-юртимиз равнақи, иқтисодиётимиз ривожи ва турли эзгу ишлар йўлида илҳом билан меҳнат қилаётганларидан фахрланмай бўладими, ахир!

Ҳаётида нимаики яхши нарсаларга эришган бўлса ва айни пайтда бир навқирон йигитдан қолишмай меҳнат қилаётганида ҳам албатта, умр йўлдоши - қирқ йилдан бери ёшларга билим, тарбия бериб келаётган Санобар ая Ниёзованинг беўлчов, беминнат-,бебаҳо хизматлари бор. Уч фарзанднинг иккисидан кўрган 9 нафар невараларнинг суюкли момо ва боболари сифатида кексалик гаштини сурар эканлар, мустақил юртда яшаш бахти насиб этганидан Яратганга шукурлар айтиб, Йўлбошчимиз шаънига дуолар ўқишаётир. Республика миқёсидаги шахсий пенсионерлиги, камтарин меҳнатлари юксак қадрланганı учун Ўзбекистон ҳукуматидан бир умр қарздор...

Охирги жумлани шундай сўзлар билан тугатади: Эл қатори ишладим ва ишлаяпман. Қўлимдан келганча ёшларга билганларимни ўргатиб, ҳали-ҳануз ўзим ҳам ўрганяпман. Бундан кейинги умримни аввалгидек боғ-роғлар яратишга, ёш авлодни она-заминга, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга сарфлайман.

Бу - виждоним амридир, бу - мақсад йўлимдир, бу - қалбим акс садосидир.

**Абдунаби МАННОПОВ,**
**Усмон НАВРЎЗ.**

### Хориж билан ҳамкорлик

# КОНСЕРВА ЗАВОДИ ИШГА ТУШСА

***Бир йилда 10 миллион шартли банка балиқ консерваси, 360 тонна балиқ ёғи, 360 тонна балиқ уни ишлаб чиқариш имконияти яратилади.***

Ота-боболаримиз қадимдан балиқни луқмаи ҳалол дея эъзозлаб, йил давомида истеъмол қилиб келганлар. Уни етти хазинанинг бири дейишади. Ҳақиқатан ҳам балиқ барака манбаи эканлигини Қуйи Чирчиқ туманидаги «Балиқчи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Балиқчилик хўжалиги Собиқ иттифоқ даврида бутун мамлакатга ўз маҳсулотларини жўнатар, даромад ҳам шунга яраша эди. Лекин кейинчалик балиқчилик хўжалиги таназзулга юз тутди. Ҳатто хўжаликни тугатиш даражасигача борилди.

— Умумий майдонимиз 3551,9 гектар бўлиб, балиқ етиштириладиган майдонимиз 2661 гектарни ташкил этади, - дейди жамият ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ирина Косолапова. — Ана шу майдонларга пахта, шоли эккан пайтларимиз ҳам бўлди. Шунда ишчиларимиз бирин-кетин идорага кела бошладилар. Наҳотки, хўжалигимиз тарқалиб кетса, дейишарди улар. Бундай бўлиши мумкин эмас.

Ҳақиқатан ҳам балиқчилик хўжалиги атрофидаги «Қўрғонча» қишлоғида 6,5 минг аҳоли яшаса, шуларнинг мингга яқини бизнинг хўжаликда ишлаб ризқ-насиба топишарди. Улар ўзаро келишиб, балиқ етиштириладиган майдонларимизни ижарага ола бошлашди. Тушган фойдани хўжалик иқтисодини ривожлантириш учун сарф қилишди. Икки йил давомида ана шундай ишладик. Шу тариқа собиқ балиқчилик хўжалиги ўрнида ҳиссадорлик жамияти ташкил этиш учун имкон яратилди.

1996 йилда хўжалик «Балиқчи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти номи билан рўйхатга олинди.

— Жамғарма фонди 32 миллион 812 минг сўм бўлиб, мавжуд акцияларнинг 25 фоизи, яъни 8203 донаси давлатники. Қолган қисми ҳиссадорлик жамиятиники ва маълум қисми чет эл инвесторлари учун ажратилган.

Акцияларнинг 1312 донаси имтиёзли бўлиб, улар узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан балиқчиларга тарқатилган. Ўтган 1998 йил учун ҳар битта акцияга 463 сўмдан девидент олган ҳиссадорлар янада самарали ишлашга ҳаракат қилмоқдалар. 1996 йилни 13 миллион сўм зарар билан якунлаган балиқчилар 1998 йили катта фойда кўрдилар. 1999 йил натижалари янада қувонарли.

Акцияларнинг асосий қисмини «Огонёк» кооперативи аъзолари сотиб олишган. Унинг раҳбари Бинодил Маҳмудов кузатув кенгаши раиси ҳамдир.

Албатта, даромаднинг ортиб бориши меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш борасида, имкониятлар яратаяпти. Жамият касаба уюшмасига фидойи инсон Шаймуҳаммад Бердимбетов раислик қилмоқда. Маъмурият билан тузилган жамоа шартномасида ҳам бу масалага катта эътибор берилган. Ана шу шартларни бажариш натижасида меҳнат таътилига чиқувчиларга бир ойлик маош миқдорида моддий ёрдам бериш, фарзандлари боғчага борувчи ота-оналарга боғча пулининг 50 фоизини, олий ўқув юртида ўқувчиларнинг шартнома пулини тўлаш, нафақадагиларга моддий ёрдам бериб туриш, жамият ҳудудидаги 35-мактабни таъмирдан чиқариш доимий одатга айланган.

Жамият бошқаруви раиси Ҳикматилло Қураматов иқтисодни кўтаришнинг турли йўл-йўриқларни қидирмоқда. Германиянинг «Евротрайтфрукштейн» компаниясини консерва заводи қуриш истиқболли режалардан бири.

Яқинда компания мутахассислари келиб бу ердаги имкониятларни ўрганиб кетишди. Режага кўра мавжуд сунъий ҳовизлар тўлиқ ишга туширилса, бир йилда 2,5 минг, сотувга 2 тонна балиқ етиштириши мумкин бўлади.

«Евротрайт» заводини ишга тушириши билан биринчидан маҳаллий аҳолидан 100 нафари иш билан таъминланса, иккинчидан бир йилда 10 миллион банка балиқ консерваси, 360 тонна балиқ ёғи ва шунча тонна балиқ уни тайёрлаш имконияти яратилади. Умумий қиймати 4,5 миллион АҚШ долларлик бу заводни жуда қисқа вақтда, яъни 8 ойда қуриш мумкин.

Бугунги кунда бу масала республиканинг мутасадди ташкилотларида ҳал этилмоқда.

Жамиятда муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, кейинги пайтда тайёрланаётган балиқ емида балиқларни тез ўстириш, семиртириш учун зарур бўлган витаминлар миқдорининг камайиб кетганлигидир. Балиқчилар бу муаммони қисман бўлса-да, ҳал этиш йўлларини топиб, фойдаланмоқда. Шу мақсадда бу йил дам берилиши керак бўлган сунъий ҳовузлардан 80 гектарига макка дони экилди. Бу озуқа базасини мустаҳкамлашнинг бирданбир йўли. 67 гектар майдонга экилган шоли ҳосили ишловчиларга тарқатилади.

— Хорижликлар билан ҳамкорлик қилиш ва етиштираётган маҳсулотимизни жаҳон бозорига чиқариш бугунги кунда олдимизда турган бош мақсадларимиздан бири, - дейди жамият раиси Ҳикматилло Қураматов. - Консерва заводини ишга тушириб олсак, хўжалигимиз учун озуқа ишлаб чиқариш цехини қуришни ҳам режалаштирамиз. Ҳозир бир килограмм балиқ етиштириш учун 75 сўм сарф қилиб, уни 150 сўмдан сотаётган бўлсак, озуқа ишлаб чиқариш заводи қурилса маҳсулот нархини янада арзонлаштириш мумкин бўлади. Бозор шароитининг қонуни шундай: У ҳар бир инсондан тадбиркорлик, ташаббускорлик ва ишбилармонликни талаб этади. Унга қатъий амал қилганларгина рақобатда ғолиб чиқиб, тараққиётнинг ойдин йўлига тушиб олади.

**Муборак МИРКАМОЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

### Ўтмишсиз келажак йўқ

***Биз шу даврга қадар Миср, Юнон, Римда бўлган тарихий воқеаларга асосланиб, улар яратган бунёдкорлик инсоният тараққиётининг ҳақиқий негизи деб фикр юритганмиз. Ваҳоланки, Далварзинтепада олиб борилган қазилмалар шуни кўрсатиб турибдики, бу ерда эрамиздан олдин ҳам яшаган аждодларимиз маънавий ҳаёти юксак бўлган.***

# ДАЛВАРЗИНТЕПА СИРЛАРИ

Маълумки, эрамиздан аввалги 329 йили Искандар Зулқарнайн қўшинлари Бақтрия давлатини босиб олади. Жаҳонгир вафотидан кейин бу давлат салавкийлар тасаррруфига ўтади. Эрамиздан олдинги III аср охирида Диодот исмли саркарда ҳокимиятни қўлга олади ва Бақтрия-Юнон давлатини ташкил қилади. Аммо II асрга келиб, у марказий Туркистон ҳудудида бир қанча майда қабилалар иттифоқи зарбасига учрайди. Булар орасида Гай-Гуй Шьян бошлиқ қабила устун келиб, барча тарқоқ қабилаларни бирлаштириб, Кушон давлатига асос солди. Бу подшолик Ҳиндистонга бостириб кириб, у ерларда қолган юнон қўшинлари қолдиқларини ҳам яксон қилди. Натижада ўша даврдаги энг йирик давлат — Кушон империяси барпо этилди. Буюк империянинг сарҳадлари жанубда Ҳиндистон, шарқда Хитой, ғарбда Парфия (ҳозирги Эрон ва Туркманистон) давлатларига бориб тақалган. Кишилик жамияти энг катта савдо йўли ҳисобланган Буюк ипак йўли Хитойдан бошланиб, Кушон империяси ерлари орқали Римгача борган.

Сурхон водийсида жойлашган Далварзинтепа Кушон давлатининг пойтахти бўлган. Унда олиб борилган қазишмалар натижасида топилган турли санъат асарлари ва бошқа уй-анжом буюмлари, археологик ёдгорликлар Кушон империясининг юксак тараққий қилганлигидан далолат беради. Ушбу водийда яшаган ота-боболаримиз томонидан лойдан ва оҳактошдан чиройли шаклдаги бир-биридан нафис ишланган турли буюмлар пишиқ, кўриниши эса ҳар қандай одамни лол қолдириб, ҳайратга солади. Кулолчилик санъати жуда ҳам ривожланган. Улар лойдан ясаган буюмларини махсус хумдонларда тоблаганлар. Тоблаш усулини мукаммал билганликлари туфайли 2100 йил ер остида қолиб кетган, қазиб олинган айрим буюмлар майдаланмай, бутун ҳолича сақланиб қолган. Шаҳарлар оддий пахсадан ёки хом ғиштдан қурилган. Лекин бу қурилиш материаллари ғоят пишиқлиги, мустаҳкамлиги натижасида табиий таъсирларга қарамасдан, шу кунгача яхши сақланган. Ваҳоланки, ўша даврда Юнон ва Римликлар шаҳарларни тошдан қурганлар.

Кушонликлар мис ва бошқа металларга одам тасвирини тушириб, зарб қилиш усулини ҳам қадимдан билишган. Эрамиздан олдинги II-I асрларда зарб қилинган тангаларга туширилган ҳукмдор тасвирининг аниқлиги ҳанузгача кишини ҳайратга солади. Қазилмалар пайтида аниқланган иморатларнинг жуда нодир тарх усули билан нақшланган ёғоч қолдиқлари ҳамда тахталарда от чоптириб кетаётган сарбоз тасвири топилди. Қарангки, ҳудудимизда антик даврга мансуб дунёвий мазмундаги Будда тасвири туширилган санъат дурдонаси ҳам мавжуд экан. Далварзинтепа шаҳрида классик антик шаҳарларга оид тафсилотларнинг барчаси жамулжамдир. Соф олтиндан ясалган 115 дона умумий оғирлиги 36 килограммга тенг турли буюмлар, тақинчоқлар, билакузуклар, сирғаларни жуда ҳам нафис, нозик, юқори савияли дид билан ишланганлигини кўриб, дурдоналарни яратган санъат усталарига беихтиёр офарин дейсиз.

Бундан ташқари, ушбу олтин буюмлар топилган жойдан фил суягидан ясалган иккита шоҳмот донаси ҳам чиқди. Биринчи шоҳмот донаси қора тошдан ишланган бўлиб, 557 йили Эрондан топилган. Аксарият олимлар Ҳиндистонни шоҳмот ватани дейишади. Ҳолбуки, шоҳмот VI асрда эмас, балки биринчи асрдаёқ Сурхон воҳасида борлигини тасдиқлайди ва ақл машқи ўйинининг ёшини яна беш асрга оширади. Бу ашёвий далиллар жаҳон археология, тарихчи олимларни шу вақтга қадар ҳам ўйлантириб келаётир.

Жаҳон қадимшунос олимларнинг фикрича, Далварзинтепадан топилган бу ноёб антик асарлар Буюк Британия музейининг фахри ҳисобланган машҳур Амударё бойлигидан ҳам юқоридир. Энг қизиғи, аждодларимиз антик даврдаёқ бронза ва бошқа металлардан ясалган буюмларга микрон қалинлигида олтин суви билан қоплаш усулини билганлар. Ваҳоланки, европаликлар XIX асрнинг охиридаги на Гельваний ихтироси сўнг бу усулни ўрганганлар.

Далварзинтепадан топилган антик буюмлар япон олимларини жуда қизиқтирмоқда. Чунки улар тарих, археология, будда динини Японияга ўтиши даври ҳамда Буюк ипак йўлини улар ерига қай йўсинда етиб борганлигини исботлашга уринмоқдалар. Уларнинг фикрича, буюк ипак йўли Японияга денгиз орқали ўтган. Бундай хулосага келишнинг сабабини исботлаш учун 1988 йили Ироқда қадимий кеманинг айнан ўзини ясаб, сувга тушириб, кунчиқар оролларига сузиб боришган. Шундан сўнг Буюк ипак йўли тўртта бўлган деган фикрга келишган. Биринчиси — Пекиндан чиқиб, Мўғулистон, жанубий Сибирь ва Қозоғистон орқали Астраханга бориб, денгиз орқали Римга ўтган. Иккинчиси — Хитойдан Туркистонга келиб, Тошкент, Самарқанд орқали Афғонистон ва Эронга ўтган. Учинчиси — шарқий Туркистон (Хитойнинг Шин-Чон вилояти)нинг жанубидан бошланиб, Тибет, Ҳиндистон ва Покистон орқали Балхга келган. Балх ипак йўлларининг катта тўхташ жойи саналган. Тўртинчиси — денгиз йўлидир.

1989 йили Япониянинг машҳур профессори Като бошчилигида уч нафар етакчи мутахассис олимлар Далварзинтепада 40 кун мобайнида қазишма ишларини олиб боришди. Натижада кутилган мақсадларга эришилди. У ерда топилган жуда ноёб антик асарлар синчиклаб ўрганилиб, зарур ва муҳим хулосалар чиқарилди. Ҳайратга соладиган томони шундаки, аждодларимиз тарихи эрамиздан аввалги асрларга бориб тақалиши ўз исботини топди.

Профессор Катони қувонтирадиган ҳол шуки, у нафақат бизнинг қадимий ўтмишимизни, балки Япон халқи маънавияти илдизларини топган эди. 1991 йил Японияда «Жанубий Ўзбекистоннинг қадимги ёдгорликлари» деб номланган илмий мажмуа чоп этилди. Турли рангли суратлар билан безатилган кўп нусхали ушбу китоб барча қадимшунос олимларининг диққатини тортди. Бу асар орқали жаҳоннинг энг кўзга кўринган этнографик, тарихий, археологок олимлари аждодларимиз ўтмишини ўргандилар ва маънавий меросимизга юқори баҳо бермоқдалар.

Япон олимларининг бизнинг тарихимизни ўрганишларига яна бир асосий сабаб борки, у ҳақда ҳам тўхталиб ўтишни лозим деб ўйлаймиз. Чунончи, будда дини Японияга қандай ва қайси йўл орқали кириб борганлигини аниқлашдир. Далварзинтепадан топилган турли будда ёдгорликлари кунчиқар мамлакатининг будда ёдгорликларига айнан ўхшашликлари уларни жуда қизиқтириб қўйди. Маълумки, бундай ёдгорликлар фақат буддизм тарқалган ҳудудлардагина учрайди. Бундан ташқари, у энг қадимий динлардан бири бўлиб, эрамиздан олдинги VI-V асрларда Ҳиндистондан бошланиб, Покистон, Афғонистонда кенг тарқалган эди. Бундан шу нарса равшан бўладики, будда Афғонистон орқали бизнинг жанубий ҳудудларимизга ёйилган. Ҳатто Бухоро номининг ўзини ҳам ҳиндча Вихара - ибодатхона сўзидан олинган дейишади. Сўнгра бу дин шарққа қараб кенгайиб, Тибет ва Хитой орқали Японияга VIII асрда кириб келган.

Ҳар бир халқ қачонки аввало ўз тарихидан яхши хабардор бўлгандагина, ўз қадр-қимматини англайди. Айниқса, биздек бой маданий ўтмишга эга бўлган халқлар авлодлари учун муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, халқимиз тарихининг очилмай қолган қирраларини келажак авлодларга бекамукўст етказмоғимиз ҳам бурчимиз, ҳам фарзимиздир.

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД.**

## УЧУҚ ВИРУСИ САРАТОННИ ДАВОЛАЙДИ

Генетик ишлов берилган оддий тошма-учуқ вируси саратон тўқималарига қирғин солар экан. Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган «Экспериментал биология — 2000» анжуманида шу ҳақда хабар қилинди. Мутасаддилар фикрича, учуқ вируси саратон тўқималарини ўлдирибгина қолмай, хавфли ўсимталар ривожининг ҳам олдини олади.

Олимлар саратон касалига қарши курашда узоқ изланишлардан сўнг оддий тошма-учуқ вирусини танлашди. Ген муҳандислиги услубида ҳар хил хусусиятларга эга бўлган вируслар тайёрланади.

Тадқиқотчиларнинг мақсади саратон тўқималарига кўпроқ қирғин келтирувчи, лекин саломатлик учун безарар вирус яратиш эди. Натижада «NV — 1020» деб номланган хавфли тўқималарга қарши беаёв вирус ҳосил қилинди.

Янги вирусни синаш мақсадида олимлар бир неча сичқонни жуда тез тарқалувчи ошқозон саратони тўқималари билан заҳарладилар. Сўнгра улар танасига тошма-учуқ вируси киритилди. Текширишлар сўнгида вирус барча саратон тўқималарини йўқ қилгани маълум бўлди.

**«Туркистон-пресс».**

